

Hujjat 2012 yil 16 iyul holatiga

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**316 Касб-ҳунар коллежининг Васийлик кенгаши тўғри-
сидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари жамоатчилик бошқару-
вининг самарали тизимини янада ривожлантириш, таълим жараёнида ижти-
мой шериклик тамойилларини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳ-
камаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

www.lex.uz

1. Касб-хунар коллежининг Васийлик кенгаши тўғрисидаги Намунавий низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда республиканинг ҳар бир касб-хунар коллежида васийлик кенгашлари ташкил этилишини таъминласинлар ва уларнинг таълим муассасалари билан ўзаро самарали ҳамкорлик қилишларига ҳар томонлама кўмаклашсинлар.

3. Белгилансинки, васийлик кенгашлари:

касб-хунар коллежларининг моддий-техника ва ўқув-методик базасини мустаҳкамлашга, уларнинг бинolari ва ҳудудини ободонлаштиришга;

таълим жараёни, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришга, шунингдек касб-хунар коллежлари битирувчиларини кейинчалик «коллеж-корхона» боғламасида ишга жойлаштиришга;

ишлаб чиқаришнинг малакали ва тажрибали мутахассисларини таълим жараёнига жалб этишга;

касб-хунар коллежлари педагог ва муҳандис-педагог кадрларининг иш шароитларини ташкил этиш ва яхшилашга, уларнинг малакаси ва қайта тайёргарлигини оширишга;

касб-хунар коллежларининг фаолиятини изчил ривожлантиришни таъминлаш учун хайр-эҳсон қилувчилар (ҳомийлар) маблағларини, техник кўмаклашиш маблағлари (грантлар)ни ва бошқа бюджетдан ташқари маблағларни жалб этишга;

ўқувчилар ва битирувчиларни, айниқса етим болалар бўлган ўқувчилар ва битирувчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга, иқтидорли ўқувчиларга стипендиялар ажратишга, ўқувчиларнинг ётоқхоналарда яшаш ва бўш вақтини фойдали ўтказиш шароитларини яхшилашга, шунингдек таътил вақтида дам олишини ташкил этишга;

касб-хунар коллежи базасида рақобатбардошли махсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишга;

коллежда соғлом интеллектуал, ахлоқий-психологик муҳитни, педагоглар, ишлаб чиқариш мураббийлари ва ўқувчилар ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш муҳитини шакллантиришга йўналтирилган тадбирларни ташкил этиш ва амалга оширишга, ўқувчиларда касбий, маънавий ва жисмоний камол топишга интилишни тарбиялашга кўмаклашадилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 6 июль,
201-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 6 июлдаги 201-сон қарорига
ИЛОВА

**Касб-ҳунар коллежининг Васийлик кенгаши тўғрисида
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Касб-ҳунар коллежининг Васийлик кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилади ва касб-ҳунар коллежини жамоатчилик томонидан бошқаришнинг доимий ишлайдиган органи ҳисобланади.

2. Кенгаш Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир касб-ҳунар коллежиде, юридик шахс ташкил этмасдан ташкил қилинади ва жамоатчилик асосида ишлайди.

3. Кенгаш ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Намунавий низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

4. Таълим жараёнида ижтимоий шериклик тамойилларини самарали амалга ошириш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими сифатини яхшилаш, касб-ҳунар коллежининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва таълим жараёнини такомиллаштириш Кенгашни ташкил этишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

5. Кенгаш таркибига маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, вазирликлар, идоралар, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, хайр-эҳсон қилувчилар (ҳомийлар), шунингдек касб-ҳунар коллежи фаолиятини такомиллаштириш ва изчил ривожлантиришдан манфаатдор бўлган бошқа юридик ва жисмоний шахслар кириши мумкин.

6. Кенгашнинг таркиби ва Кенгаш тўғрисидаги низом ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси томонидан тасдиқланади.

II. Кенгашнинг вазифалари ва ваколатлари

7. Қуйидагиларга:

касб-хунар коллежларининг моддий-техника ва ўқув-методик базасини мустаҳкамлашга, уларнинг бинолари ва ҳудудини ободонлаштиришга;

таълим жараёни, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришга, шунингдек кейинчалик касб-хунар коллежлари битирувчиларини «коллеж-корхона» боғламасида ишга жойлаштиришга;

ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги малакали ва тажрибали мутахассисларни таълим жараёнига жалб этишга;

касб-хунар коллежлари педагог ва муҳандис-педагог кадрларининг иш шaroитларини ташкил этиш ва яхшилашга, уларнинг малака ошириш ва қайта тайёргарликдан ўтишига;

касб-хунар коллежларининг фаолиятини таъминлаш ва уларни изчил ривожлантириш учун хайр-эхсон қилувчилар (ҳомийлар) маблағларини, техник қўмаклашиш маблағлари (грантлар)ни ва бошқа бюджетдан ташқари маблағларни жалб этишга;

ўқувчилар ва битирувчиларни, айниқса етим болалар бўлган ўқувчилар ва битирувчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга, иқтидорли ўқувчиларга стипендиялар ажратишга, ўқувчиларнинг ётоқхоналарда яшаш ва бўш вақтини фойдали ўтказиш шaroитларини яхшилашга, шунингдек таътил вақтида дам олишини ташкил этишга;

касб-хунар коллежи базасида рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишга;

коллежда соғлом интеллектуал, ахлоқий-психологик муҳитни, педагоглар, ишлаб чиқариш мураббийлари ва ўқувчилар ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш муҳитини шакллантиришга йўналтирилган тадбирларни ташкил этиш ва амалга оширишга, ўқувчиларда касбий, маънавий ва жисмоний камол топишга интилишни тарбиялашга қўмаклашадилар.

8. Кенгаш ўзига юкланган вазифаларни бажариш мақсадида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

вазифаларни бажариш учун зарур маълумот ва ахборотларни касб-хунар коллежидан белгиланган тартибда олиш;

Кенгаш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни белгиланган тартибда киритиш;

иш режаларини, тадбирлар режаларини, дастурларни ва касб-хунар коллежининг бошқа ҳужжатларини муҳокама қилишда қатнашиш, уларни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар киритиш;

касб-хунар коллежининг фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш, шу жумладан касб-хунар коллежининг раҳбар лавозимларига ном-

зодларни кўриб чиқиш бўйича таклифлар билан давлат органларига мурожаат қилиш;

касб-хунар коллежи директорига касб-хунар коллежининг педагог ва муҳандис-педагог кадрларини, шунингдек ўқувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тўғрисида тавсиялар киритиш;

Васийлик жамғармасининг молиявий режасини тасдиқлаш;

Васийлик жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тартибини белгилаш;

Васийлик жамғармасининг молиявий режаси бажарилиши ҳақидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш;

назорат-тафтиш комиссиясини тайинлаш.

Кенгаш қонун ҳужжатларига ва касб-хунар коллежининг уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

III. Кенгаш фаолиятини ташкил этиш

9. Кенгаш қатнашишнинг ихтиёрийлиги ва Кенгаш ваколатига тегишли масалаларни ҳал этишда Кенгаш аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги тамойиллари асосида ташкил этилади.

Кенгаш, қоидага кўра, Кенгашнинг раиси, раиснинг ўринбосари, котиби ва аъзоларидан иборат таркибда шакллантирилади.

Кенгашнинг сон таркиби регламентланмайди. Кенгашнинг шахсий таркиби ва раҳбариятидаги ўзгаришлар, қоидага кўра, бир йилда бир марта амалга оширилади.

Касб-хунар коллежи директори лавозимида кўра Кенгаш аъзоси ҳисобланади.

10. Кенгашга раис бошчилик қилади, унинг ваколатига қуйидагилар киради:

Кенгаш мажлислари кун тартибини белгилаш ва уларни чақириш;

Кенгаш томонидан қабул қилинган қарорлар бажарилиши юзасидан назоратни ташкил этиш;

Кенгаш аъзоларига юкланган вазифаларнинг бажарилиши бўйича уларнинг ишларини мувофиқлаштириш;

давлат органларида ва бошқа ташкилотларда Кенгаш манфаатларини ифодалаш;

Кенгашнинг самарали ишлашини таъминлаш бўйича бошқа хатти-ҳаракатларни бажариш.

11. Кенгаш раиси ва унинг ўринбосари Кенгашнинг биринчи ташкилий мажлисида сайланади, мажлисда касб-хунар коллежи директори раислик қилади.

Кенгаш раиси, қоидага кўра, корхоналар ва ташкилотлар — иш берувчилар раҳбарлари ёхуд маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари орасидан сайланади.

Кенгаш раиси ва раис ўринбосарининг ваколатлари муддатлари Кенгаш аъзолари томонидан, уларни сайлаш вақтида белгиланади.

Касб-хунар коллежи директори ёки ходими Кенгаш раиси ёки раиснинг ўринбосари этиб сайланиши мумкин эмас.

Кенгаш ўз ваколатларини касб-хунар коллежи директорига беришга ҳақли эмас.

12. Кенгаш аъзолари:

Кенгаш мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилишда ва ҳал этишда қатнашадилар;

Кенгашга касб-хунар коллежида таълим жараёнини ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича таклифлар киритадилар;

Кенгаш томонидан кўриб чиқиладиган масалалар бўйича хулосалар тақдим этадилар.

Кенгаш аъзолари ўз фаолиятини Кенгаш таркибида жамоатчилик асосида амалга оширадилар.

Кенгаш аъзолари мажлисда шахсан қатнашишлари керак. Кенгаш аъзоси мажлисда шахсан қатнашиш имкони бўлмаганда мажлис кун тартиби бўйича ўз фикрини Кенгашга ёзма шаклда етказиш ёки ишончномани белгиланган тартибда расмийлаштирган ҳолда мажлисга ўзининг ваколатли вакилини юбориш ҳуқуқига эга.

13. Кенгаш ўз ишларини ўзи тасдиқлаган режалар асосида ташкил қилади ва ўз мажлисларини, заруриятга кўра, бироқ йил чорагида камида бир марта ўтказди. Кенгаш раиси томонидан Кенгаш аъзоларининг ёзма илтимосномалари асосида навбатдан ташқари мажлислар чақирилиши мумкин. Уларда мажлисни ўтказишнинг сабаблари ва асослари баён қилиниши керак.

Мажлислар оралиғидаги даврда раис Кенгашга раҳбарлик қилади, ташкилий ишларни касб-хунар коллежи маъмурияти кўмагида Кенгаш котиби юритади.

14. Кенгаш мажлисини Кенгаш раиси олиб боради. Раис бўлмаган тақдирда мажлисни унинг ўринбосари бошқаради.

Кенгаш мажлиси унда Кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашганда қонуний ҳисобланади.

Мажлисни ўтказиш учун кворум мавжуд бўлмаган тақдирда, Кенгаш мажлисини ўтказишнинг янги санаси эълон қилинади. Янги мажлисни ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

15. Кенгаш мажлисида кўриб чиқиладиган масалаларнинг хусусиятига боғлиқ ҳолда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, алоҳида жисмоний шахслар таклиф этилиши мумкин.

16. Кенгашни ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш Васийлик жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

17. Кенгаш котиби:

Кенгаш мажлисига барча зарур ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

мажлисни ўтказиш муддати ва жойини Кенгаш раиси билан келишади;

кун тартибидаги масалалар бўйича Кенгаш мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

Кенгаш аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни Кенгаш ўтказиладиган сана, унинг кун тартиби лойиҳаси, ўтказилиш вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилади;

Кенгаш қарорлари ижроси мониторингини олиб боради;

Кенгаш протоколларини расмийлаштиради ва тасдиқланган протоколларни Кенгаш аъзоларига ва бошқа манфаатдор ташкилотларга юборади.

Кенгаш котиби касб-хунар коллежи директори томонидан тайинланади, котиб Кенгаш аъзоси ҳисобланади.

IV. Кенгаш томонидан қарорлар қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш

18. Кенгаш қарори Кенгаш мажлисида қатнашаётган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Қуйидаги масалалар бўйича Кенгаш қарорлари Кенгашнинг мажлисида қатнашаётган аъзоларининг учдан икки қисмининг кўпчилик овози билан қабул қилинади:

йиллик молиявий режани тасдиқлаш;

кириш ва аъзолик бадаллари миқдорини белгилаш.

Кенгашнинг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўз фикрини ёзма ифодалаш ҳуқуқига эга.

19. Кенгаш раиси қарорларни тезкорлик билан қабул қилиш мақсадида Кенгаш аъзолари билан келишилган айрим масалалар бўйича Кенгаш қарорларини сўров йўли билан тасдиқлаши мумкин.

20. Кенгаш қарорлари Кенгаш мажлисининг протоколи билан расмийлаштирилади. Кенгаш протокоliga унинг барча аъзоларининг визалари қўйилади, у котиб томонидан имзоланади, Кенгаш раиси томонидан тасдиқланади ва бир ҳафта муддатда Кенгаш аъзоларига ва манфаатдор ташкилотларга юборилади.

21. Кенгаш протоколининг асл нусхаси ва унга оид материаллар касб-хунар коллежида сақланади.

Касб-хунар коллежи директори Кенгаш ҳужжатларининг сақланиши учун шарт-шароитлар яратади.

22. Кенгаш котиби Кенгаш аъзоларининг кўмагида Кенгаш қарорлари бажарилишини мунтазам ўрганади ва кўриб чиқади, зарурият бўлганда, Кенгаш раисига тегишли таклифлар киритади.

Кенгаш қабул қилинган қарорлар ижросининг ҳолатини ўз мажлисларида мунтазам равишда кўриб чиқади.

23. Кенгашнинг иши тартиби Регламент билан белгиланади. Регламент Кенгаш томонидан мустақил равишда қабул қилинади.

V. Васийлик жамғармаси

24. Кенгашнинг мақсадларини амалга ошириш учун Кенгаш аъзоларининг кириш, аъзолик ва мақсадли бадаллари, шунингдек бошқа маблағлари, бошқа ташкилотлар ҳамда алоҳида жисмоний шахсларнинг ихтиёрий эҳсонлари ҳисобига Кенгаш хузурида Васийлик жамғармаси ташкил этилади.

Васийлик жамғармаси маблағларидан Кенгашнинг мақсадлари, вазифалари ва ҳуқуқларини амалга оширишда ва уларга эришишда фойдаланилиши мумкин.

25. Кенгаш аъзолари, бошқа ташкилотлар ва алоҳида жисмоний шахслар Жамғармага ўз маблағларини мол-мулк, мол-мулк комплекси, пул маблағлари ҳамда бошқа моддий ва номоддий активлар шаклида киритадилар.

26. Васийлик жамғармаси маблағларини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигининг тегишли ҳудудий бўлинмаларида касб-хунар коллежи учун бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий ҳисоб рақамлари очилади.

Васийлик жамғармаси даромадлари ва харажатлари сметаси Кенгаш қарори асосида касб-хунар коллежи директори томонидан тасдиқланади ҳамда рўйхатдан ўтказиш ва тасдиқлаш учун тегишли ҳудудий молия органларига тақдим этилади.

Зарурият бўлганда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда Васийлик жамғармаси даромадлари ва харажатлари сметасига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

27. Сметанинг харажат қисми давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи ва улар бўйича харажатларга мувофиқ моддалар бўйича харажатлар тўлиқ ёйиб кўрсатилган илова билан биргаликда харажатлар гуруҳлари бўйича тузилади.

28. Касб-хунар коллежлари директорлари ва бош бухгалтерлари Васийлик жамғармаси маблағларининг бухгалтерия ҳисоби тўғри юритилиши, расмийлаштирилиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун жавоб берадилар ва уни назорат қилиб борадилар.

Васийлик жамғармасининг жорий йилда фойдаланилмаган маблағлари қолдиғи олиб қўйилмайди ва кейинги йилга ўтади.

29. Васийлик жамғармаси маблағларидан касб-хунар коллежининг хўжалик фаолияти зарарларини қоплаш, шунингдек ходимларининг қўшимча сонини таъминлаш учун фойдаланиш тақиқланади.

30. Касб-хунар коллежи директори ҳар йили Кенгаш олдида Васийлик жамғармаси маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши бўйича ҳисобот беради.

31. Кенгаш Васийлик жамғармаси маблағларидан фойдаланилиши юзасидан молиявий назоратни амалга ошириш ҳуқуқини йил охирида комплекс тафтиш ўтказиш йўли билан амалга оширади.

32. Молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ келишмовчиликлар ва баҳсли вазиятлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

33. Васийлик жамғармаси маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилиш назорат-тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилади. Назорат-тафтиш комиссияси раиси ва аъзолари Кенгашнинг қарори билан тайинланадилар.

34. Назорат-тафтиш комиссияси:

бир йилда камида бир марта ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини текширади, Васийлик жамғармасининг молиявий кўрсаткичлари тафтишини ўтказди, унинг йиллик ҳисоботлари ва баланси бўйича хулосалар беради;

ҳар йили Кенгаш мажлисида ўз фаолияти яқунлари бўйича ҳисобот беради.

VI. Кенгаш фаолиятини тугатиш

35. Кенгашни тарқатиб юбориш ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармасининг қарори асосида амалга оширилади.

36. Кенгаш тарқатиб юборилган тақдирда унинг Васийлик жамғармасини бошқариш бўйича ваколатлари Кенгашнинг янги таркиби шакллантирилгунгача касб-ҳунар коллежининг педагогика кенгашига берилади.